

Касб-хунар коллежи битирувчисини ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш туғрисида

ШАРТНОМА № SM _____

“ ____ “ _____ 20 ____ йил

Самарқанд шаҳар
(вилоят, шаҳар)

Ўз Низомига асосан фаолият юригадиган

Самарқанд ахборот коммуникация технологиялар ва саноат касб-хунар коллежи
(таълим муассасаси номи)

кейинги ўринларда “Таълим муассасаси”, унинг директори _____

Д.М. Абдураимов
(Ф.И.Ш)

бир томондан ва корхона (ташкilot) _____

(корхона номи)

келгусида "Корхона" деб номланган, унинг раҳбари _____

(Ф.И.Ш)

иккинчи томондан, шунингдек таълим муассасаси битирувчиси _____

(Ф.И.Ш)

ёки унинг ота-онаси _____

(Ф.И.Ш)

_____ куйидаги шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим туғрисида"ги қонуни ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабларини бажариш юзасидан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш, бу борада ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида ҳамкор корхона (ташкilot) учун зарур юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва битирувчилар бандлигини таъминлаш соҳасида томонлар уртасида истиқболли ҳамкорликни ўрнатишдан иборат.

II. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

Таълим муассасаси мажбуриятлари:

- 2.1. Ҳамкор "Корхона"нинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳар ўқув йилида таълим муассасаси қабул режасини мувофиқлаштириб бориш;
- 2.2. Танланган мутахассислик ўқув режа ва дастурлари асосида битирувчига етарли назарий ва амалий билимлар ҳамда кўникмалар бериш;
- 2.3. Ўқув режасидаги мавжуд фанларни ўқитиш учун малакали ўқитувчиларни ва "Корхона" таклифига мувофиқ "Корхона"нинг тажрибали мутахассис ходимларини махсус фанларни ўқитишга жалб этиш;
- 2.4. Мутахассислик бўйича эгалланиши лозим бўлган билим ва кўникмаларга эга бўлган кадрларни гайёрлаш;
- 2.5. Махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълим усталарини "Корхона" билан ўзаро келишилган ҳолда "Корхона" даги мавжуд асбоб-жихозлар билан таништиришга юбориш ва мавжуд жихозларга мос равишда фан дастурларига белгиланган ўзгартиришларни киритиб такомиллаштириб бориш;
- 2.6. Ишлаб чиқариш амалиёти ўтказиш муддатларини "Корхона"нинг имкониятларини инобатга олган ҳолда ўзаро келишув асосида белгилаш ва ўрнатилган тартибда расмийлаштириш. Таълим муассасасидан амалиёт раҳбарларини тайинлаш ва уларга а кўйидаги вазифаларни юклатиш:
 - корхоналар, муассасалар ва ташкilotлар билан биргаликда ишлаб чиқариш амалиётининг иш дастурини тузиш;
 - яқка тартибдаги топшириқлар махсусини ишлаб чиқиш;
 - ўқувчиларни мутахассисликлар бўйича тақсимлашда ёки уларни иш турлари бўйича бир жойдан иккинчи жойга ўтказишда қатнашиш;
 - амалиёт даврида ўқувчилар меҳнатилан тўғри фойдаланишни назорат қилиш;
 - ўқувчилар томонидан яқка тартибдаги топшириқларни бажаришда ва диплом лойихаси (иши)га материаллар тўплашда уларга услубий ёрдам кўрсатиш;
 - ўқувчилар томонидан ишлаб чиқариш натижаларини баҳолаб бориш.
- 2.7. Яққуний давлат аттестацияси, битирувчиларнинг диплом иши ҳимоясига ҳамкор "Корхона"нинг маъсул ходимларини жалб этиш, аттестация натижаларига кўра битирувчини ишга қабул қилиш бўйича шартнома имзолаш.

Корхонанин мажбуриятлари

- 3.1. Таълим муассасаси битирувчисига эгаллаши ва билиши лозим бўлган кўникмалар туғрисида маълумотлар бериш ва ўз мутахассис кадрларини таълим муассасасида ўқув-меъёрий хужжатларни такомиллаштиришга жалб этиш;

3.2. Ўқувчилар учун хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш ва улардан олинadигн мутахассислик билан боғлиқ бўлмаган, шунингдек зарарли меҳнат шaroитларида фойдаланишга йўл қўймаслик;

3.3. Ўқувчиларни ишлаб чиқариш бинолари, тренинг кабинетлари, зарур материаллар, асбоб-ускуналар, техник хужжатлар билан ўз вақтида таъминлаш ва ўқувчиларнинг янги ишлаб чиқариш технологияларини, юқори унумли иш методларини ўзлаштириш учун зарур шарт-шaroитларни яратиш;

3.4. Ўқувчиларга йўл-йўриқлар беришни ва ишлаб чиқариш амалиётига техник раҳбарликни ташкил этиш, ишлаб чиқариш амалиётига "Корхона"дан умумий раҳбар тайинлаш, касб-ҳунар коллежининг педагог ходимларига ишлаб чиқариш амалиётини ўтказишда ёрдам кўрсатиш учун шарт-шaroитлар яратиш;

3.5. Ўқувчиларга ишлаб чиқариш амалиёти даврида тегишли мутахассисликлар ва касблар ишчилари учун назарда тутилган махсус кийим-бошлар, якка тартибда ҳимояланиш воситалари бериш;

3.6. Зарур ҳолларда ўқувчиларни ишлаб чиқариш амалиёти ўтадиган жойга етказишни ва у ердан олиб келишни таъминлаш;

3.7. Ўқувчилар бажарган ишларни ушбу корхона. мусса ва ташкилотда белгиланган тартибда ҳисобга олиш ва қабул қилиш;

3.8. Ишлаб чиқариш амалиёти тугагач ҳар бир ўқувчига унинг ишлари сифатини, эришган натижаларини, ишга муносабатини, шунингдек унга бериш учун тавсия этилаётган тариф разрядини курсатган ҳолда ишлаб чиқариш тафсиҳномасини бериш;

3.9. Ўқувчи таълим муассасасида ўқишни муваффақиятли тамомлагандан сўнг, тегишли имтиёзларини (разряди, амалиёт сертификатлари) инобатга олиб. мутахассислиги бўйича корхонага ишга қабул қилиш.

Ўқувчининг мажбуриятлари:

4.1. _____
(мутахассислик номи)

мутахассислиги бўйича тармоқ таълим стандартида кўрсатилган барча билим, малака ва кўникмаларни, шунингдек, корхона талабига кўра:

A) _____

B) _____

C) _____

(махсус касбий кўникмалар номи)

махсус касбий кўникмаларни эгаллаш.

4.2. Ишлаб чиқариш амалиёти дастурида назарда тутилган топшириқларни тўлиқ бажариш;

4.3. "Корхона"нинг ички меҳнат тартибига риоя қилиш;

4.4. Техника ҳавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнгин ҳавфсизлиги коидаларини ўрганиш ва уларга катъий риоя қилиш;

4.5. Таълим муассасасида танланган мутахассислик бўйича ўтказиладиган барча ўқув машғулотларига қатнашиш, оралик ва якуний имтиҳонларда яхши натижаларга эришиш.

4.6. Таълим муассасасини битириб _____/_____/20__ йилдан _____/_____/20__ йилгача "Корхона"да ўз мутахассислиги бўйича ишлаш.

III. КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

5.1. Шартнома бўйича келиб чиққан келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро келишув орқали ҳал этилади.

5.2. Томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда ўртадаги низо амалдаги қонунчилик асосида ҳал этилади.

IV. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Шартнома томонлар имзолаганларидан сўнг кучга киради ва _____/_____/20йилгача амал қилади.

6.2 Шартнома 3 (уч) нусхада тўзилиб, ҳар бири асл кучга эгадир. Томонларнинг ҳар бирида шартноманинг бир нусхаси сақланади.

Таълим муассасаси	Ўқувчи	Корхона
<u>Самарқанд ахборот</u> <u>коммуникация технологиялари</u> <u>ва саноат касб-ҳунар коллежи</u>	Ф.И.Ш. _____ Паспорт серияси ва рақами _____ Қачон ким томонидан берилган _____ номидан унинг отаси (онаси) Ф.И.Ш. _____ Иш жойи ва манзили: _____ _____ (имзо) (Ф.И.Ш.)	_____ (тўғли номланиши) Юридик манзили: _____ ИНН _____ ОКОНХ _____ ОКПО _____ Телефон: _____ Факс: _____ E-mail _____ Директор: _____ (имзо) (Ф.И.Ш.) М.Ў.
Манзил: Г. Каримов кўчаси 9 уй		
Директор: _____ Д.М. Абдураимов		